

ХОНҚА НАҲОТИ

XORAZM VILOYATI XONQA TUMANI HOKIMLIGINING NASHRI • № 4 (3668) • 2021 YIL 6 MART

Баҳорий байрам муборак, азизлар

Азиз ва муқаддас аёл!
У гуллаётган ҳаёт тимсоли!
У туғилаётган ва янгиланаётган умрлар рамзи!
Борлиқнинг энг синчков, энг доно гувоҳи у!
У она бўлиб, чақалоғини қўлларида кўтаради...
...гўё ўн саккиз минг оламни кўтаргандай, кафт-ларига жойлаштира олгандай.
Мана нафосат, мана ҳақиқат, мана шараф ва ҳурмат!
Аслида айтилажак барча таърифлар, шоирлар

топган таснифлар кам – бизни дунёга кўз очтирган зотнинг мингдан бир фазилатинида кўрсатиб бера олмайди.

Табиатнинг уйғониш фасли ҳисобланмиш баҳорда азизлар байрами нишонланишининг ўзи айтмоқ сўзларимизга исбот эмасми?
Меҳрибону фидоий онахонлар, ишчану кўнгилчан опа-сингиллар, чехраларида борлиқ гўзаллиги барқ урган жажжи қизалоқлар – барча АЗИЗАлар, байрам муборак!

Муҳаррир мактуби

Эй, муҳтож кўнгил

...Бир танишим дардини “дастурхон” қилди. Не дард, дерсиз?
Нимамиш, бир кўшниси энг сўнги русмдаги машина олибди, яна бириси дўкон курибди ва яна бир синфдоши шаҳардан уй харид қилиб, тўнғич ўғлини оиласи билан кўчирибди...
Шунақа гаплар.

Одамлар маишатпарастликка, ким ўзарликка қачондан ружу қўйишди?
Сезмай қолдик.

Одамлар учун ҳашаматли уй, янги машина қачондан буён тўқ яшаш белгисига айланди? Англамадик.
Нима, замондан орқада қолдикми?
Бахт нима ўзи?

Эрталаб ўридан беташвиш туриб, тўрт мучанг омонда эканидан хурсанд мўъжазгина боғчангда очилган гулга ҳавас билан тикилсанг, унинг анвойи уфори баҳри-дилингини очиб юборса, бири боғчага, бири мактабга шошаётган фарзандларинг билан камтаргина дастурхонда бир бурда нонни кавшаб, суюққина бўлсада чойни ичиб, ишхонанг сари отлансанг, йўл-йўлакай танишлар билан омонлашиб, юрт тинч, эл фаравон эканлигидан кўнглинг хотиржам бўлмоғи...асл БАХТ эмасми?!

Эрталабдан кимнингдир тўйига айтиб кетишгани кўзингизда нур балқитса...шу БАХТ эмасми?!

Ишхонангизда ҳамкасблар билан дийдорлашиб, кимнидир мавлуд санаси билан қўтламоқ, юмуш билан келган бировнинг ишини тезроқ ҳал қилиб, у зотдан дуо олмоқ...ҳақиқий БАХТ эмасми?!

...Сиз билан бир хонада ўтирадиган ҳамкасбингиз кўнғирок қилиб, узрини айтди: “Яқин биродарим ўтибдилар, жанозаси экан. Ишга пешин ўтарман”.

Бундай нохуш кўнғирокни ўзингиз қилмаганингиз учун ҳам қувонинг!
Ҳеч ким нохуш хабар айтмоқ учун қўлига телефон олмасин!

...Ногоҳ столда турган китоблар орасидан бирини олиб, дуч келган варағини очаман. “Ялт” этиб, нигоҳларимга ушбу сўзлар ташланди:

“Кичкина бўлса ҳам, боғинг ва кутубхонанг бўлса – сен бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмассан. Цицерон”.

Бу сўзларни икки минг йил олдин юнон мутафаккири айтган.
Нима дей?

Бу сўзлар яна минг йиллар яшайди ва бизларни ҳақиқий БАХТдан огоҳ қилиб туради.

Атрофга боқиб, муҳтожлик аталмиш нимарса томонга кетаётган ақлсиз ҳаёллардан қайтаради.

Сизларни ҳам керакисиз, ортиқча ҳаёллардан шу доно сўзлар қайтариб турсин, азизларим!
МУҲАББАТ.

СУМАЛАКЛАР ҚАЙНАР ҚОЗОНЛАРДА...

Баҳор – табиатнинг уйғониши, риск-насиба уруғининг ерга қадалиши.

Баҳор – узоқ давом қилган қиш қолдирмиш асоратларга малҳам топмоқлик.

Бунини “илик узилди” ҳам дейишади.

Доно аждодларимиз иликларни қайта тўқламоқ учун ажиб таомлар уйлаб топишган. Бунда Она табиатнинг ўзи кўмакка келган.

Сумалак!

Инсоннинг асосий озукаси – буғдой! Буғдойдан ёпиладиган турли-туман нонлар.

Аниқланганки, муттасил истеъмол қилинадиган неъматлар орасида фақатгина нон меъдага тегмайди. Кунига уч маҳал...беш маҳал есақда!

Буям табиатнинг сирли ажойиботи.

Сумалак ҳам шу неъмат – буғдойнинг ҳосиласи. Эндигина майса бўлган буғдой ниҳолларидан тайёрланадиган бу таом таркибида инсон организми учун зарур барча моддалар бор. Керагидан

ортиқча десакда, адашмаймиз.

Ҳар қандай касалликка қарши туршида инсон организмида иммунитет кучли бўлиши ке-

рак. Бу таълимот бир йилдан буён давом қилаётган тожсмон вирус пандемияси туфайли онгимизга сингиб кетди. Иммунитетни кўтариш учун шифокорлар тавсия қилаётган нарсаларни синаблар адо қилмаяпмиз. Аслида...

Сумалак иликни йил давомида тўқ тутадиган табиат неъматини эканини аждодларимиз билишган. Уларнинг луғатида “иммунитет” сўзи бўлмасада, тиббий атамининг “илик” аталмиш муқояси борлигини билишган.

...Ҳали қиш оёғида дошқозонлар созланиб, ўтинлар ҳозирланиб, сумалак қайнатиш бошланиб



кетган. Наврўз яқинлашган сайин сумалак пишириш мисли мусобақага айланади.

Сумалак пишадиган хонадонга гўё тўйга чорлагандай кўнжўшнлар ёпирилиб келадилар. Қуруқ эмас – ким бир нонни кўлтиғига қисган, ким дастурхон кўтарган...

Буям байрам –шодиёна кун! Қаҳрли кишдан омон-эсон чиққан бандаларнинг шукроналик байрами бу!

Дошқозонларда сумалаклар...
...дала-боғларда меҳнат...
... а т р о ф и м и з д а ҳ а ё т қ а й н а м о қ д а !

Баҳорий кайфият муборак, азизлар!

Фаслий юмушлар

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан «Бунёдкор» ҳамда «Маҳорат» маҳаллаларида «Кўркам маҳаллам» лойиҳаси доирасида «Темир дафтар»га киритилган оилалардан 9 тасининг хонадонидида ободонлаштириш ишлари ўтказилиб, томорқалари тартибга келтирилди. Шунингдек, ҳар бир оилага 10 тадан мевали дарахт ниҳоллари бепул томорқасига экилди.

Ўз мухбиримиздан.



Туман ҳокимининг қарори

ТУМАНДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й, 9-сон, 320-модда), “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сон Қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда;) асосан тумандаги транспорт воситаларининг 2021 йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хонқа туман Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (О.Сотимов) зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда ва техника хизмати кўрсатиш

станцияларида, тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ мажбурий техник кўриқдан (кейинги ўринларда матнда “техник кўриқ” деб юритилади) ўтказилишини таъминласинлар:

а) тумандаги юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача;

б) тижорат асосида йўловчи ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар бир йилда икки марта (1 мартдан 30 июнгача ва 1 сентябрдан 31 октябргача);

в) жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситалари 31 августгача техник кўриқдан ўтказилсин.

Ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари икки йилда бир марта техник кўриқдан ўтказилсин, мазкур банднинг “б” кичик бандида қайд

этилган бир йилда икки марта техник кўриқдан ўтказилиши лозим бўлган транспорт воситалари бундан мустасно.

2. Туманда транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, юридик шахсларга қарашли транспорт воситаларининг 2021 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Техник кўриқдан ўтказувчи туман комиссияси:

транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисми миқдорида;

мототранспорт, тиркамалар, яримтиркамалар техник кўриқдан ўтказилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирмадан бир қисми миқдорида йиғим ундирилсин.

Ушбу қарорнинг 1-банди “б” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалари иккинчи марта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Биринчи (олдинги) техник кўриқда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган

миқдорларда йиғим ундирилади.

4. Транспорт воситаларини техник кўриқка жалб қилишда йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳига, туман мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, туман ИИБ ходимлари жамоатчилик асосида амалий ёрдам кўрсатилиши тавсия қилинсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 14 февралдаги 156к-сон қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳига транспорт воситаларининг техник кўриги натижалари бўйича туман ҳокимлигига 2021 йил 10 ноябргача ёзма ахборот бериш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарор Хонқа туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Хонқа ҳаёти” газетасида эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б Д.Сабиров зиммасига юклатилсин.

М.ДАВЛАТОВ,
туман ҳокими.

2021 йил 26 февраль,
Хонқа шаҳарчаси.

Биласизми?

СУБСИДИЯ – ДАВЛАТНИНГ САВОБ АМАЛИ

Инсон учун осайишта ҳаёт кечирининг асосий шартларидан бири ўзининг турар жойи бўлишидир.

Имконига қараб, эҳтиёжига қараб. Ҳашаматли бўлмасин, майли кўримсизгина бўлсада. “Ўз уйим – ўлан тўшагим!” матали беҳуда тўқилмаган.

Уй-жойли бўлиш эса осон эмас. Бир вақтлар қишлоқларда турар жой қуриш учун хўжалик раиси қарор чиқарар, ер ўрнини ер тузувчи ёки бригадир ўлчаб берарди. У ёғига элнинг кўмаги билан бир ойларда пахсадан уй тиклаб олиш, ҳеч бўлмаганда бир хонасини яшашга мослаб, кўчиб ўтиш мумкин эди. Қолган қисмини фарзандлари улғайгунча – ҳар йили аста-секинлик билан тузатиб, полу шип қилиб, бораверарди.

Эндиликда аҳоли сони ошиши, экин майдонларининг қисқариб бориши билан турар жой учун ер майдони ажратиш амалиёти бекор қилинди. Тўғри-да! Ер риск насибамиз сочилган майдон. Унинг ҳар бир қаричи қадрли.

Ҳукуматимиз аҳолининг турар жойга бўлган эҳтиёжини қондириш учун кўп қаватли уй-жойлар қуришни оммавий тарзда бошлаганига анча бўлди. Эндиликда



ҳатто чекка қишлоқларда ҳам кўп қаватли уйлар қад ростламоқда. Эҳтиёжманд фуқароларга бундай турар жойлар узоқ муддатли ипотека кредитлари асосида ажратилапти.

Айнан 1 марта санасидан бошлаб даромади юқори бўлмаган шахсларга ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олишлари учун бошланма тўлов ёки кредит фоизларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида давлат бюджетидан қайтариб берилмайдиган маблағлар ажратиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Қайтариб берилмайдиган маблағ – бу иқтисодчилар

тилида субсидия дегани. Агарда халқона тилда айтсак – савоб амал.

Бу жуда тўғри амал бўлди. Негаки, муқаддам аҳолининг эҳтиёжманд қисми учун имтиёзли турар жойлар қуриш бошланганида айнан бошпанага муҳтож кишилар дастаки бадални мол-қўйини сотиб ёки қарз олиб, тўлашди. Уйга кўчиб ўтгач эса... ҳар ойда тўлайдиган ипотека кредити фоизларини қоплаб боришда қийналганлар кузатилди.

Ахир, ой дегани... муштан олдин келиб турса! Вақтида қопламаса банк ходими эшиги тагига ётиб олса. Нима қилсин? Ўзи эҳтиёжманд хонадон – топган даромади рўзғори қозони қайнаши, бола-чақа уст-бошидан ортмаса...

Шу маънода дастлабки бадал учун давлат субсидия бериши ғоят маъқул иш!

Яқинда айнан аҳолини турар жой билан таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бу масалага алоҳида тўхталдилар ва айтдиларки: “Паст даромадли, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга 15 фоизлик дастлабки бадалнинг 10 фоизи субсидия тарзида тўлаб берилади. Яъни, аҳоли уй олиш учун дастлабки бадалнинг бори-ўғи 5 фоизини тўлайди,

холос”.

Яна айтилдики, кредит олган аҳоли учун фоиз тўловларининг Тошкент шаҳрида 12, бошқа ҳудудларда 10 фоиздан юқори қисмига субсидия берилади.

Масалан, ҳозирда қишлоқ жойларда қурилатган кўп қаватли уйларда 54 квадрат метрли квартиранинг умумий нарҳи 216 миллион сўми ташкил қилади. Уни олиш учун олдиндан 33 миллион дастлабки бадал тўлаш керак. Эндиликда ўша миқдорнинг 22 миллиони субсидия тарзида давлат томонидан қопланиб, фуқаро қолган 11 миллион сўмини тўлайди.

Бундай мурувват эса ҳақиқий эҳтиёжманд оилани елкасидаги оғир юкдан ҳалос қилади. Йиққан маблағини уйни олгач, ойлик тўловлар учун ишлатиши мумкин. Мол-қўйи ёнига қолади, қарз сўраб яқинлари олдида сарғайиб ўтирмайди.

Бу ҳаммаси эмас. Президентимиз турар жойлар қуриш жараёнида маҳаллий қурилиш маҳсулотлари қимматлилигига эътибор қаратиб, бу масалани ҳам тез кунларда барча ҳокимликлар ўрганиб чиқишлари шарт экани ҳақида топшириқ бердилар.

Ким билади, ўрганиш жараёнида... турар жойлар нарҳи янада арзонлашар...
Рўзимбой ҲАСАН.

АҲОЛИНИ

РЎЙХАТГА ОЛИШДА
ИНСТРУКТОРЛИК
УЧАСТКАЛАРИ

қандай тартибда ташкил қилинади?

Аҳолини рўйхатга олишда ҳар бир ҳудудда рўйхатга олиш участкаларини ташкил қилиш назарда тутилган. Участкалар маъмурий-ҳудудий бўлиниш яхлитлигини (туман ва шаҳар даражасида) сақлаш шarti билан ҳар бир участкага тўғри келадиган юклардан келиб чиқиб, яъни қишлоқ жойларида 8750 киши ва шаҳарларда ўртача 11250 киши ҳисобидан ташкил қилинади.

Рўйхатга олиш участкалари қишлоқ жойларда ўртача 1750 киши ва шаҳарларда ўртача 2250 киши аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда инструкторлик участкаларига бўлинади.

Ўз навбатида инструкторлик участкаларидаги ҳар бир рўйхатга олувчи қишлоқ жойларда ўртача 350 киши ва шаҳарларда ўртача 450 кишига қараб тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги қароридан бу белгиланган.

М.МАШАРИПОВА,
туман статистика бўлими
етакчи мутахассиси.

Маълум бир муаммо ёки бошқа масала бўйича мурожаат қилиш – фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Чунки, мурожаатлар ортида фуқароларнинг хоҳиш-истаги, давлатимиз томонидан халқ манфаати борасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнига муносабати ётади.

Зеро, ҳуқуқий-демократик давлатимизда халқ манфаати олий мақсаддир!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаро давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги кафолатланган.

Бош қомусимизда кафолатланган ҳуқуқлар амалиётга айланишига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан барча давлат органларида мурожаатларни ўз вақтида қабул қилиш ва қонунда белгиланган муддатларда ижросини таъминлашга қаратиш кераклиги аниқ кўрсатиб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни янгича ўзгаришлар билан бойитилгани аҳамиятли. Масалан, ушбу қонун билан мурожаатларнинг янгича тарзда: электрон мурожаат, такрорий мурожаат, видеоконференция алоқа ва вертуал қабул каби янгиликлар киритилди ва ижросини таъминлаш кафолатланди.

Давлат бошқарувини янги-

ФУҚАРО МУРОЖААТИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

лаш, мамлакатни модернизация қилиш ва юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш борасида изчил ислохотлар давом қилаётган ҳозирги даврда мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини белгиловчи қонун меъёрлари долзарблиги кундан-кунга ошиб бормоқда.

Ушбу қонуннинг амалиётга тадбиқ қилиниши нотариал тизимида ҳам янгича ўзгаришлар ва имкониятлар яратилишига асос бўлди. Негаки, нотариал идоралар азалдан фуқароларнинг турли мазмундаги мурожаатлари билан ишловчи даргоҳ ҳисобланади. Айнан шу боис Адлия вазирлигининг 2020 йил 21 октябрдаги буйруғи билан “Нотариал идораларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги низом қабул қилинди.

Низомга кўра фуқаролар нотариал идораларга бевосита келиб ёзма, телефон орқали оғзаки ёки электрон шаклда, энг асосийси ўзлари учун қулай ва аниқ вақтда мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланди. Ушбу мурожаатлар нотариус ёки ходим томонидан “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали навбатма-навбат электрон рўйхатга қайд қилинади. Бу янгилик фуқароларни ортиқча вақт йўқотиш ва бошқа оворгарчиликлардан ҳалос қилади.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги маъмурий регламентни тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинган. Ушбу регламентда ҳам нотариал идораларда нотариал ҳаракат бажаришни сўраб мурожаат қилган фуқароларни қабул қилиш ва нотариал ҳаракатларни белгиланган қоидалар асосида амалга ошириш аниқ кўрсатиб берилган.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш мансабдор шахслардан катта масъулият талаб қилади. Негаки, фуқаролар дардини тинглаш, уларга қонуний асосларда амалий ёрдам кўрсатиш ҳар бир мансабдор шахснинг бурчи ҳисобланади. Бу бурч бажармаслик, мурожаатларга бефарқлик мансабдор шахснинг фақат обрўсига таъсир қилибгина қолмасдан айни пайтда қонунларимизда белгиланган тартибда улар жазога ҳам тортиладилар.

Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган барча эзгу ишлар жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти ошишига хизмат қилаётгани эътиборлидир.

М. ОЛПОЁРОВА,

Хонқа туман хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора нотариуси.

Узоқ тарихда бўлгани каби ҳозирги глобал даврдаям инсон ўз ҳуқуқлари учун курашиб келади. БМТ таркибид инсон ҳуқуқлари билан шуғуллангани алоҳида тизилма борлиги бунинг далили.

Эркинлик ғоясини адолатсизлик ва зўравонликка кон бўлган ҳаёт дунёга келтирган.

Қонли урушлар ҳақида айтмай пиз. Тинч ва осайишта ҳисобланган

айрим давлатларда ҳам адолатсизликлар қай бир кўринишда намоён бўлмоқдаки, халқро ҳамжамият бунга жиддий эътибор қаратишга мажбур.

Кишиларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураши жараёнида инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришга ҳуқуқи ёқланган кўплаб ғоялар ва таълимотлар юзага келган ва ривожланган.

Қадим Шарқнинг машҳур фикҳ олими – замонавий тил билан айтганда ҳуқуқшуноси Имом Бурҳониддин ал-Марғилоний ўзининг 53 фаслдан иборат “Ҳидоят” (“Тўғри йўл”) асарида

кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай бўлиши кераклигини ҳуқуқ асосида

КИМ КИМГА БОҒЛАНГАН? давлат ва инсоннинг ўзаро боғлангани ҳақида

кўрсатиб берган. Бу асар кўп асрлар ҳуқуқ борасида асосий қўлланма бўлиб келган.

Ал-Марғилоний ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқларига эътибор қаратар экан, инсон давлатнинг фуқароси эканлиги ва аксинчалигидан қатъий назар, риоя этилишини қонунлаштириш ва таъминлаш зарурлигини баён қилади. Худди ана шу даврдан эътиборан давлатга мутлақо бошқача – шахс ҳуқуқларини паймол қилувчи институт (ташкilot) тариқасида эмас, балки унинг инсон ва жами-

ят манфаатларига хизмат қилиши нуқтаи назаридан ёндашиш ғояси шаклланди.

Инсон ва давлат орасидаги муносабатлар Бош қомусимизда белгилаб берилганки, бу икки тушунча бири-бирида айро туша олмайди. Давлат фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафола-лаб, уларнинг паймол бўлмаслигини ўз назоратига

олади. Ўз навбатида фуқаро белгиланган қонунлар ва меъёрларга риоя этмоғи шарт бўлади. Қай бир нуқтада ушбу боғлиқлик бузилса, ҳуқуқий тизилмалар ишга тушади ва паймол бўлган ҳуқуқни тиклаш ва айбдорларни жазолаш амалиёти бажарилади.

Демак, инсон ва давлат ўзаро боғланган бир мустаҳкам ҳалқа тарзидаки, бунда икки томоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тенг!

Ақида ОДАМБОЕВА.

Мутахассис маслаҳати

Филлоксера сўрувчи, тенғанотлилар туркумига оид хашорат бўлиб, унинг иккита барг ва илдиз шакллари мавжуд. Фақатгина ток ўсимлигига зарар етказиши. Ток филлоксерасининг тўла шаклланишини фақатгина токнинг Америка навларида ва гибрид навларда кузатиш мумкин.



Европа ток навларида филлоксера фақатгина илдизда ҳаёт кечириши. Бундан келиб чиқиб филлоксераларни иккига ажратиш мумкин. Илдиз ва барг филлоксералари. Ток филлоксерасининг барг шакли токнинг баргига зарар келтирса, илдиз шакли эса токнинг илдиз ва бошқа вегетатив органларига зарар келтиради. Барг шаклининг илдиз шаклдан фарқи ҳартуми ва мўйловларининг узунлиги, танасида туклар йўқлигидир. Филлоксера асосан овалсимон, танаси сарғиш-яшил рангда, катталиги 0,8 - 1,2 мм бўлади. Уни оддий кўз билан илғаш анча қийин.

Илдиз филлоксераси ўсимлик илдизига зарар етказиши. 1-2 ёшдаги қуртлари ток илдизига қишлайди. Тупроқ ҳарорати 13-15 С бўлганда 1-2 ёшдаги қуртлар қишловдан чиқади.

Урғочи филлоксера кам ҳаракатчан, деярли бир жойда илдизга ёпишиб зарар етказиши ва 40 тадан 100 тагача тухум қўяди. Ёз ойларида 1-2 ёшдаги қуртлари тупроқнинг юза қисмига чиқиб атрофдаги ток кўчатлари илдизига ўтиб зарар етказиши. Айрим дайди қуртлари эса Америка ва гибрид навларда ток танасига чиқиши ва барг филлоксерасида зарар етказиши.

Барг филлоксерасининг қишловдан чиққан қуртлари япроқнинг усти қисмига ёпишиб, ҳартуми орқали барг ширасини сўриб, зарар етказиши.

бошлайди. Ҳартумини санчган жойида филлоксеранинг ажратган ферменти таъсирида хужайралар кенгайиб, баргнинг орқа тарафида кўзасимон дастлаб сарғиш-яшил, сўнгра эса малласимон рангдаги шишлар пайдо бўлади. Барг филлоксераси 500 тагача тухум қўяди. Шароит қулай келишига қараб бир йил давомида 9 тагача авлод беради. Демак, бизнинг олдимизда ток филлоксерасини республикамиз ҳудудига кириб келишининг олдини олишдек вазифа туради. Ушбу зараркунанда ҳудудимизга кириб келишини олдини олишда чет давлатлардан, яъни филлоксера билан зарарланган давлатлардан кўчат навларини олиб кириш маън қилинади. Филлоксерадан ҳоли ҳудудлардан олиб келинган кўчатлар ҳам карантин зарарсизлантиришдан ўтказилиши лозим. Бундан ташқари, чет давлатлардан келаётган транспорт воситаларига ҳам эътибор қаратишимиз зарур. Чунки, транспорт воситалари билан тупроқ ва ҳар хил ўсимлик бўлақларида ҳам зараркунандалар кириб келиб, тарқалиши мумкин. Агротехник кураш чораларидан ток қатор ораларини чуқур ҳайдаш, минерал ўғитлар билан озиклантириш, янги токзорларни энгил тупроқли, кумоқ ерларда барпо қилиш ва кўчатларни чуқур экиш лозим.

Диёрбек АБДАЛЁЗОВ,
Музаффар ОЛИМОВ,
вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси агроном инспекторлари.

ТУМАННИНГ 2021 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИ ЯКУНЛАРИ ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Туманда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 2021 йил январь ойида умумий ҳажми 47,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 19,9 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 115,0 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 102,7 фоизга ошган.

2021 йилнинг 1 февраль ҳолатига кичик бизнес субъектларининг сони 1584 тани ташкил қилиб, шундан 44 таси 2021 йил январь ойида янги рўйхатга олинган корхона ва ташкilotлар ҳисобланади.

Қурилиш соҳасида 12,0 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 2020 йил январь ойига нисбатан 102,0 фоизга ошган.

2021 йил январь ойида кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 29,4 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2020 йилнинг январь ойига нисбатан 102,5 фоиз ўсиш қайд этилган. Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми 15613,4 минг сўм бўлган.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига туман аҳолисининг умумий сони 188,3 минг кишини ташкил қилган. Шундан, эркаклар - 95,1 минг киши, аёллар - 93,2 минг киши.

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

Э Ў Л О Н

КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА БОШ ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Туман статистика бўлими ташкilotнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги **12-moliya shakli** (ойлик) ҳисоботини 2021 йил февраль ойи учун **2021 йил 18 мартдан** кечиктирмай (электрон шаклда) тақдим қилишингизни сўрайди.

Телефон: **39-91-279.**

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

Мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан “ОАВларда, ижтимоий тармоқларда инсон ҳуқуқи ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш ҳақидаги буғунги кун қаҳрамонлари образларини яратиш” мавзусидаги грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

Полопонлар посбони

Гулором опа Рўзметовани ҳақли равишда шундай аташади. Тўғри-да! Бундан 38 йил олдин Самарқанд педиатрия институтини тугатган Гулором опа болалар шифокори сифатида фаолият юритиб, минглабполопонларга қайта умр бахш этиш бахтига муяссар бўлдилар.

Болалар шифокорининг меҳнат фаолияти ҳақидаги ёзувлар санокли қаторлардан иборат. Дастлаб вилоят болалар шифохонасида оддий шифокорликдан иш бошлаган бўлсалар, 1984 йилда уни туманга ишга таклиф қилишди.

26 йил давомида чақалоқлар патологияси бўлимида ишлаган даврларини тажрибали шифокор алоҳида тилга оладилар: "Ҳузурингга хаста ҳолида йиғлаб келиб, соғайиб кулиб кетган болажонларни кўриш шифокор учун – бахт! Буни тиббиётнинг энг масъул соҳаси – чақалоқлар бўлимида ишлаган давримда ҳис қилдим"

Аслида Гулором опанинг шифокорлик касбини танлашига сабаб бўлган ҳолат ҳам шу – болакайнинг оғир дарддан шифо излагани... Укаси не сабабдир оғир хасталикка чалинган, ҳамма унинг атрофида парвона. Шундай изтиробли кунларда Гулором катта бўлсам, албатта шифокор бўламан, деб аҳд қилади.

Опа беш йилча пойтахтда ҳам болалар шифокори бўлиб ишлаганлар. Бу вақтда турмуш ўртоқлари техника фанлари номзоди Хушнуд ака Ёкубов

Тошкентдаги нуфузли олийгоҳда талабаларга сабоқ берганлар.

Гулором опадан устозлари ҳақида сўраймиз. Опа Матлаб Жабборова, Ҳавожон Бобоҷонова каби таниқли болалар шифокорларини тилга оладилар. Айни пайтда Қудрат Султонов, Нарғиза Халлиева, Муниса Рўзметова, Назокат Эгамбердиева, Шоҳноза Рўзметова, Назира Ҳамроева ва Анвар Қодиров каби шогирдлари номларини ҳам эҳтиром билан санайдилар.

Туман тиббиёт бирлашмаси хотин-қизлар кенгаши раисаси сифатида соҳада хизмат қилаётган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш, турли тадбирлар ўтказишда ҳам бош-қошлар.

Устоз шифокорни ва тизимда хизмат қилаётган хотин-қизларни аёллар байрағи билан табриклар эканмиз, уларга одамлар соғлиғи йўлидаги заҳматли меҳнатларида куч-қувват тилаймиз!

Шоҳруҳ ХҲЖАНИЁЗОВ.



САЙЁҲЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Вилоятимизнинг хавфсиз ҳудуд сифатида жозибдорлигини ошириш, туризм намоиши иншоотлари ва инфратузилмаси ҳудудларини жинойтлардан ҳоли қилиш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вилоят ИИБ хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўтган 2020 йил давомида вилоятга ташриф буюрган 59 та мамлакатлардан 3417 нафар сайёҳлар ҳамда 10 та делегациялари таркибида 327 нафар вакилларни кутиб олиш, хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш ишлари ташкил этилди.

Шунингдек, республикаимиз вилоятларидан ташриф буюрган 65532 нафар маҳаллий сайёҳларнинг 8633 нафари томонидан бошқармамиз ходимларига турли масалаларда ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Бошқарма ходимлари туризм намоиши иншоотлари ва уларга туташ ҳудудларда яшовчи аҳолининг тури-

стик маданияти ва меҳмондўстлик фазилатларини янада юксалтиришга қаратилган 111 та учрашув ва давра суҳбатлари ҳамда жинойт ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бошқа йўналишда 1302 мартаба профилактик тадбирлар ўтказилди. Олиб борилган профилактик чоратадбирлар натижасида 2020 йилда ҳамда шу йилнинг ўтган даври мобайнида чет эл ва маҳаллий сайёҳларга нисбатан жинойт ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўйилмади.

Бундан ташқари, бошқарма ходимлари ташаббуси билан 2020 йилда 25 та жинойтлар аниқланиб, 14 та жинойт иссиқ изидан фош этилди. Қидирувда бўлган 4 нафар шахслар ушланди.

Рустам РЎЗИБОЕВ,
вилоят ИИБ хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходими.

Гиёҳвандлик - умр заволи



Одатланишни келтириб чиқарадиган, ақл-идроққа кучли таъсир қиладиган руҳий фаол моддалар гиёҳванд моддалар ҳисобланади. Шу билан

бирга руҳий фаол моддалар соғлом кишида эйфория - ниҳоятда кўтаринки хотиржамлик, фаровонлик, ўзига юқори баҳо бериш, ғайрат, ижодий фаоллик келтириб чиқарадиган онгни ўзгаришига олиб келади. Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида маълум бир кишилар ўзларининг интизомсизлиги, фойдали меҳнат билан шуғулланишни истамаслиги, ўз-ўзини назорат қила олмаслиги, ота-оналарнинг назоратидан четда қолганлиги ва шундай моддаларга қизиққанлиги боис гиёҳванд бўлиб қолмоқдалар.

Гиёҳванд моддани "татиб кўриб" бу дардга чалинганларнинг 90 фоизи қизиқишлари қандай балоларга дучор қилишини билмайдилар.

Баъзилар гиёҳванд моддани истеъмол қилиш одатини ташлаш осон, деб ўйлашади. Бу хато фикр. Чунки гиёҳвандликка одам жуда тез ўрганиб қолади ва организмнинг бунга бўлган эҳтиёжи кундан кунга ортиб боради. Бунда организмнинг реактивлиги сусайиб, гиёҳванд моддага руҳий ва жисмоний жиҳатдан қарамлик, мойиллик ҳолати юзага келади.

Гиёҳванд модда истеъмол қилинганда юрак-қон томир ва нафас олиш фаолияти сусайиб, баданнинг териси кўкариб кетиши, қичиши, ҳар хил тошмалар топиши, қон аралаш ич кетиши кузатилади. Гиёҳванд худди ўлиб қолаётгандек ваҳимага тушади. Бундай касалликка дучор бўлмаслик учун аввало, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш керак. Баъзи кимсаларнинг ёлғон гапига ишонмаслик, бу йўлга ундовчилардан узоқроқ юриш, бу захри қотилнинг ёмон оқибатларга олиб келишини унутмаслик керак.

Ҳозирги кунда туманимизда гиёҳвандликка ружу қўйган, диспансер ҳисобида турган беморлар сони бир мунча камайган бўлса-да, сурункали алкоғолизм касаллигига мубтало бўлган беморлар сони кўпайиши кузатилмоқда. Юқоридагиларни олдини олиш мақсадида умумтаълим мактабларида, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида, маҳаллаларда мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

О.МАТЧОНОВ,

кўп тармоқли марказий поликлиника нарқологи.

АВВАЛО, ОТА-ОНАГА БОҒЛИҚ

Логоневроз касаллиги оиладаги нотўғри муҳит - оила аъзоларидан бирига тақлид қилиш ёки оиладаги жанжал, нотинч-ликлар асосида ҳам келиб чиқади. Бунини шу формула асосида тасвирлаш мумкин: "Туртки + мойиллик = дудуқланиш". Бу ҳолатларнинг бир неча ойлари давом этиши оқибатида бола ичидан сиқилиб юради ва таранглашиб боради ҳамда мойилликка айланади ва унга қилинган озгина психик таъсир дудуқланишга туртки бўлади.

Асаб тизими логопедия фанида мураккаб нутқ нуқсонларидан бири бўлган логоневроз касаллигини бартараф этишда мутахассислар ҳамкорлигида иш олиб борилади. Логопедик машғулотларни олиб бориш ва қандай тартибда бўлишида ота-она ҳамда логопед биргаликда ҳаракат қилиши аҳамиятлидир. Логопед бола билан ишлашда биринчи бўлиб оилада ота-она соғлом муҳитни яратиши, яъни тинчлик муҳити керак бўлади. Уйда телевизор ёки радио баланд овозда бўлмаслиги ва

баланд овозда гапирмаслик, энг муҳими болани дудуқланишини ёдига солмаслик шарт. Бола билан ота - она ҳам уйда логопед берган кўрсатма асосида шуғулланиши керак. Уй шароитида болага тинчлантирувчи ванналар-дорихонадан тинчлантирувчи аралашма олиб, ванна тайёрласа бўлади. Бундай ванналардан 12-14 кун фойдаланиб, сўнг танаффус қилиш керак. Болага ранг ва товуш таъсир қилишини инобатга олиб, кечқурун хонада ёритиш максимал камайтирилади. Ухлашдан аввал ёқимли табиат овози янграган мусиқаларни тинглаш ҳам яхши ёрдам беради.

Дудуқланишни бартараф этишга замонавий атрофлича ёндашув деганда боланинг руҳий-жисмоний ҳолатининг турлича томонларига мутахассисларнинг ҳар хил восита ва усуллар билан педагогик-даволаш орқали таъсир этиши тушунилади. Бу жараёнда фақат педагоглар ишлашигина эмас, балки, оила



аъзолари ҳам ҳаракат қилиши муҳимдир. Инсон психологиясида биринчи навбатда инсоннинг ўзига бўлган ишончи ҳар қандай мақсаднинг кириш эшиги ҳисобланади. Бугунги кунда 5-6 ёшли болалар ичида ҳар 10та-сидан биттасида логоневрозни кузатишимиз мумкин. Бунга ота-оналарнинг эътиборсизлиги сабаб. Йиллар давомида бу касалликнинг давом этиши сабабли болада катта бўлганда ҳам дудуқланишни кузатишимиз мумкин. Бундай инсонларда одамлардан уялиш, жамиятга қўшилмаслик ва бора-бора уйдан кўчага чиқмаслик ҳолатлари учрайди. Мутахассислар ўз вақтида шуғулланса логоневрознинг давоси мавжуд.

Умида ОТАЖОНОВА,
22-сон мактаб логопеди.

**XONQA
HAYOTI**
MUASSIS:
Xonqa tuman
hokimligi

Bosh muharrir:
**M u h a b b a t
S A F O Y E V A**

Gazeta 13-008 raqam
bilan 2015 yil 27 martida
ro'yxatdan o'tgan. Nashr
ko'rsatkichi - 508.

MANZILIMIZ:
220800, Xonqa shaharchasi,
Xalqlar do'stligi, 30-uy.
E-mail: xonqahayoti@inbox.uz

**Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi
va muallifga qaytarilmaydi.**

**Gazeta tahririyat
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.**
Sahifalovchi:
O.Sobirov.

TELEFONLAR:
**39-91-769,
39-92-509.**

**Gazeta «Urganch master servis» xususiy
korxonasi bosmaxonasida ofset usulida chop
etildi. BOSMAXONA MANZILI: Urganch shahri,
Xiva ko'chasi 106/1-uy.**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 15:30. Nuxtasi: 520.
Topshirildi: 66.03.2021 yil. 15:30. Bepul nusxa: 2000.

NAVBATCHI: **A.ODAMBOEVA.**

ISSN 2010-6637

Buyurtma: .

CMYK